



2016 йил 24 марта

№20

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта даги
62-сон қарори ижросини таъминлаш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта даги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори ҳамда “Ўзархив” агентлигининг 2016 йил 9 марта даги 15-сон буйруги ижросини таъминлаш мақсадида **БҮЮРАМАН**:

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидағи архив иши ҳудудий бошқармалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидағи архив иши ҳудудий бошқармаларининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низоми” (кейинги ўринларда Комиссия Низоми деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Агентликнинг 2015 йил 2 июндаги 41-сон буйруги 2 ва 3-иловалари билан тасдиқланган Коррупцияга қарши кураш бўйича “Ўзархив” агентлиги Комиссияси ва Ҳудудий комиссиясига Одоб-ахлоқ комиссиясининг вазифа ва ваколатлари юклатилсан.

Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Комиссия Низомига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритилиши таъминлансан.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари бир ҳафта муддатда:

Одоб-ахлоқ қоидалари ва Комиссия низомини барча бошқарув, мутахассис ва хизмат кўрсатувчи ходимлар иштирокида пухта ўрганиб, муҳокама этилишини ҳамда мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтирилишини таъминласинлар;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий ёки бошка жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хисобланиши бўйича барча ходимларни огоҳлантирсинглар.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Бош директор

А.Х.Абдуллаев

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив”
агентлиги ва унинг тизимидағи архив иши ҳудудий бошқармалари
ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ва унинг тизимидағи архив иши ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда Бошқармалар деб аталади) ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йигиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари хукуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, хусусан “Архив иши тўғрисида” қонуни ва архив иши соҳасига оид бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Агентлик ва Бошқармаларга ишга кираётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган холда танишириладилар.

4. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари қонун хужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири хисобланади.

**II. Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг
асосий принциплари ва қоидалари**

5. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоййлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари қуидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун хужжатларида ва ички хужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг хукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини хисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўскинилик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-хукукий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсири кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини хисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллалатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тишиш, шунингдек ўз обрўсига ёки архив муассасасининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсири кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

Агентлик ва Бошқармаларда маълумотлар, хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

7. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

8. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Агентлик ва Бошқармалар ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

9. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши ва бу борада намуна кўрсатиши шарт.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўз раҳбарини ёхуд хукуқни муҳофаза қилиш органларини уларни хукуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари хақида хабардор қилиши шарт.

Агентлик ва Бошқармалар раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

10. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган, фойдаланиш доираси чекланган ахборотнинг сақланишини ва маҳфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, Агентлик ёки унинг худудий бошқармасида ижобий ва ривожланувчан маънавий-психологик мухит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топширикларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-харакатларни содир этишга ундумаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблагларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаттган ходимларнинг хатти-харакатларига (харакатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

12. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа давлат хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этади.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни хурмат қилиши шарт. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг архив муассасаларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофик бўлиши, улар расмийлилиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

13. Архив ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайрийжтимиий хатти-харакатларга йўл қўймаслиги керак.

III. Манфаатлар тўқнашуви

14. Манфаатлар тўқнашуви Агентлик ва Бошқармалар ходимлари шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар кандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажарища манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

15. Агентлик ва Бошқармалар ходимларининг бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарап етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт. Бунда раҳбарга тижорат ташкилотининг номи, фаолият тури ва йўналиши тўғрисида ёзма равишда ахборот беради.

16. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига салбий таъсир кўрсатадиган ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

17. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

18. Агентлик ва Бошқармалар ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишида, юкори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

19. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳукуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишининг бошқа масалалари Агентлик томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хulosha чиқарилади. Айни вақтда Агентлик ва Бошқарма раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган Агентлик ва Бошқарма ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл кўйилган қоида бузилишининг характеристерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси архив ходимига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл кўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Агентлик ва Бошқармалар ходимлари ўзлари йўл кўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Агентлик ва Бошқарманинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳукуқига эга.



«Ўзархив» агентлигининг
2016 йил 24 марта 20-сон буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги
ва унинг тизимидағи архив иши худудий бошқармаларининг
Одоб-ахлоқ комиссияси түғрисидаги
НИЗОМИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ва унинг тизимидағи архив иши худудий бошқармаларининг (кейинги ўринларда Худудий бошқармалар деб юритилади) Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга, хусусан “Архив иши түғрисида” Қонунга, бошқа қонун хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Хукумат қарорларига ва ушбу Низомга амал қиласы.

3. Агентликнинг 2015 йил 2 июндаги 41-сон буйруғи 2 ва 3-иловалари билан тасдиқланган Коррупцияга қарши кураш бўйича “Ўзархив” агентлиги Комиссияси ва Худудий комиссиясига Одоб-ахлоқ комиссиясининг вазифа ва ваколатлари юклатилади.

4. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Агентлик ва унинг тизимидағи Худудий бошқармалари томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари хузурида худудий комиссиялар (кейинги ўринда – Худудий комиссия деб юритилади) фаолият кўрсатади.

6. Худудий комиссиялар тегишли худуд бўйича ўз иш фаолиятини мазкур Низомга мувофиқ ташкил этадилар.

II. КОМИССИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

7. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари хисобланади:

Агентлик ва унинг тизимидағи Худудий бошқармаларда мавжуд ёки келиб чиқиши мумкин бўлган Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиш муаммолари ва масалаларини чукур ва доимий таҳлил этиб бориш;

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишини келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш;

Агентлик ва унинг тизимидағи Худудий бошқармаларда фаолият юритувчи ходимларнинг хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада баҳолаб бориш.

III. КОМИССИЯНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

8. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентлик ва унинг тизимидағи Худудий бошқармаларидағи раҳбар ходимларининг, шунингдек худудий комиссияларнинг жойларда Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишини олдини олиш бўйича улар томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисботларини эшлиши;

Агентлик ва унинг тизимидағи Худудий бошқармаларидан Комиссияга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни сўраш;

жойларда Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишини олдини олиш йўналишида мансабдор шахсларнинг лаёқатлилигини ва уларнинг амалий фаолияти натижаларини баҳолаш.

IV. КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9. Комиссияга раис бошчилик килади, ишларни бошқаради, комиссия мажлисларини олиб боради, мажлислар баёнларини, иш режаларини ва комиссиянинг бошқа хужжатларини тасдиқлади.

10. Комиссия мажлислари эҳтиёжга кўра ўтказилади.

11. Комиссиянинг кўриб чиқилаётган масала бўйича қарори, агар унинг учун комиссия аъзоларининг кўпчилиги овоз бериш йўли билан овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақлидир.

12. Комиссия раиси билан келишувга кўра комиссия мажлисида холисона сабабларга кўра қатнашмаётган комиссия аъзосининг ўрнида овоз бериш ҳукуқисиз унинг ваколатли вакили катнашиши мумкин.

13. Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида комиссия раиси комиссия аъзолари билан сўров йўли билан келишилган алоҳида масалалар бўйича комиссия қарорларини тасдиқлаши мумкин.

14. Зарурат бўлганда комиссия мажлисига кўриб чиқилаётган масалаларнинг хусусиятига караб давлат архивларининг раҳбарлари таклиф қилинади.

15. Комиссия амалга оширилган ишлар тўғрисида Агентлик раҳбарига тегишли ахборот тақдим этади.

V. КОМИССИЯ МАЖЛИСИГА МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ

16. Комиссия мажлисига материаллар комиссиянинг ишчи органи томонидан, манфаатдор архив муассасалари, шунингдек уларни тайёрлаш учун масъул бўлган комиссия аъзолари билан биргаликда тайёрланади.

17. Комиссия мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масалага доир хужжатларда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган материаллар (таҳлилий маълумотномалар) ва комиссия қарори лойиҳаси мавжуд бўлиши керак.

VI. КОМИССИЯНИНГ ИШЧИ ОРГАНИ ВА КОТИБИ

18. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларининг директорларидан иборат З нафар таркибдаги доимий ишлайдиган ишчи групх комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

19. Комиссиянинг ишчи органи:

Комиссия мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ҳамда давлат архив муассасалари ва комиссия аъзоларидан зарур материалларни ва эксперт хulosаларини олиш хуқуқига эга;

таҳлилий материаллар тайёрланишини ва кун тартибидаги масалалар бўйича комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил қилади;

худудий комиссиялар фаолиятини ва комиссиянинг қабул килинган қарорлари бажарилишини жойларга бориб ўрганади;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун унинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади.

20. Комиссия котиби:

ишчи гурӯх ишларига раҳбарлик қилади;

Комиссия қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Комиссия мажлисига материалларни тайёрлаш бўйича ишчи гурӯхнинг ишларини ташкил қилади;

Комиссия раиси билан мажлислар ўтказиладиган муддатни ва жойни, шунингдек таклиф этиладиганлар таркибини келишиб олади;

Комиссия йиғилиш баёнларини ва тасдиқланган мажлис баёнларини комиссия аъзоларига, манфаатдор архив муассасаларига жўнатади;

Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни тегишли материалларни жўнатган ҳолда мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вакти, жойи тўғрисида хабардор қилади.

21. Комиссияни тугатиш ёки қайта тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

